

«ОШНА»

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 90 (8.825) 1996 йил 31 июль, chorshanba Сotувда эркин нархда



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛИГИ ОЛДИДАН

Туманлар йўқламаси: Акмал Икромов

ҲАЁТИМИЗДАГИ ЁРҚИН ИЗЛАШ

Акмал Икромов тумани пойтахтининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Бошқа туманларга нисбатан бу ерда сановат корхоналари кам. Аҳолининг асосий қисмини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этади.

Юртимизнинг мустақиллиги санаси туманда ҳар сафар юксак кайфиятда, баракали меҳнат зафарлари билан кутиб олинган. Яқинлашиб келаётган катта тантана — республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги байрами арафасида туман ҳокими Осимжон АЛИХУЖАЕВ билан суҳбатлашдик.

— Жонажон Ватанимиз мустақилликка эришганидан буюн ўтган беш йил туманимиз фуқаролари ҳаётида ёрқин из қолдирди. Ҳаётимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий жаҳдлариди ўзгаришлар ўзгаришларини англатди, инсоннинг нималарга қодир эканлигини кўрсатишда асосий омили бўлмоқда. Ўтган давр туманимиз аҳолисининг замон талаблари асосида ҳаракат қилиш, ижодкорликка кенг йўл бериш қобилиятини намойиш этди. Хусусан бозор иқтисодиётига бошқичма-бошқич ўтиш жараёнини ижтимоий ларзаларга йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш, жумладан биринчи нав-



Туманинг Фарҳод кўчасида жойлашган кўпқаватли турар жой бинолари. Рашид Галиев огаги сурат. (Давоми 2-бетда).

Бозор иқтисодиёти тамойилларига кўра 1996 йилда кўпқаватли ишлаб чиқариш корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб очилди ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтиш ҳусусий корхоналарга айлантирилиши кўзда тутилган эди. Режага кўра бу ишлар бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда.

«Фотон» электрон ишлаб чиқариш биришласи ҳам апрель ойидан бошлаб, очилган турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланиб ишчилар янги иш усули асосида маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Жамоат қилинаётган ишлар ва янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турғинишда жамиятнинг таъминот бўлими бошлиғи Ёрданчи Норғий Курдашев қуйдагиларни гапириб берди:

— Очилган турдаги «Фотон» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш жараёнидан кундан-кунга аяшхилини бормоқда. 1995 йилга нисбатан анча ўзгаришлар мавжуд. Корхонамизда маҳсулотлар турини кўпайтириш, сифатини аяшхиллаш ва харидорларни қилиб ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳозирги пайтда ташаббуслар буюртмалар асосида ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Шартномага кўра икки ил назорат касса аппаратлари ишлаб чиқаришимиз керак эди. Бу касса аппаратининг биринчи турини Греция билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилди. Иккинчиси эса Болгария билан амалга оширилди. Бу назорат касса аппаратлари «Селкс — 7004» ва «Кара» — 1500 Д» русумли бўлиб, унинг дастлабки намуналаридан кенг фойда-

Истеъмол бозорини тўлдириб йўлида

ИЗЛАШ, ИМКОН ТОПАЙТГАНЛАР

ҳамкорликда «Нодира — 50 ТБ» ҳамда «Нодира — 40 ТБ» оқ-қора тасвирли телевизорларини ўзбекистоннинг дўконларини тўлдирмоқда. Шунингдек, Россия Федерациясининг Александров шаҳридаги бир нечта корхона билан ҳамкорлик алоқалари бошланди. Улар билан эса оқ-қора тасвирли телевизорларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Украинанинг Днепрпетровск шаҳри билан ҳамкорликда «Нодира — 50 ТБ» ҳамда «Нодира — 40 ТБ» оқ-қора тасвирли телевизорларини ўзбекистоннинг дўконларини тўлдирмоқда. Шунингдек, Россия Федерациясининг Александров шаҳридаги бир нечта корхона билан ҳамкорлик алоқалари бошланди. Улар билан эса оқ-қора тасвирли телевизорларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

МАОРИФЧИЛАР АНЖУМАНИ

Ёш авлод оғни, тафаккурни тақомиллаштириш, уларни етук инсонлар этиб қамолотга етиштиришда муаллимлар зиммасидаги масъулият каттадир.

Тошкентда келган Марказий Осиё республикалари зиёлилари вакиллари кеча республика таълим марказида ёш авлодга дўстлик, биродарлик, иқтидор ва ташаббускорликни вужудга келтириш мавзусидаги халқаро симпозиумни ўтказдилар.

Авлод-аждодларимизнинг қадим қадриятларини тиклаш, тарбиялаш мақсадида буюк бобомиз Амир Темурнинг таълим ва тарбия бораидаги йўл-йўриқлари ҳусусида ушбу анжуманда мароқли ва мазмунли мазъузлар эшитилди. Анжуманда мустақиллигимизнинг беш йиллигини маориф соҳасида ҳам муносиб кутиб олиш, соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллузининг 660 йиллигини унинг ибратомуси сабақларини ўрганиш билан кутиб олишга қасамд қилинди.

Анвархон АХМАД қори ўғли, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Махфузахон ҚОСИМОВА, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси,

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулганов 1996 йилнинг 30 июлидан 30 августгача пойтахтда ободонлаштириш ва санитар тозалиқ ойлигини ўтказиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Ушбу қарорга мувофиқ ободонлаштириш ва санитар тозалиқ ойлигини ўтказиш шаҳар қароргоҳи тасдиқланди.

Ойлик давомида Беруний шох кўчасининг (Чорсу майдонидан «Алломиш» спорт саройигача) қайта қуриш, Алишер Навоий боғи ҳудудини (Ҳайкал мажмуаси ва Халқлар Дустиги кўчасига туташ ҳудудини) ободонлаштиришнинг иккинчи босқичи, Амир Темур ҳибобини қайта таъмирлаш, Ўзбекистон, Абай кўчалари ва «Пахтакор» стадиони билан чегараланган ҳудудни ободонлаштириш, Қосмонавтлар кўчасини (Туроб Тула кўчасидан Шароф Рашидов кўчасигача) қайта қуриш ишларини туғалаш режаланди.

Тегишли шаҳар бошқарма ва бирлашмаларига ободонлаштириш ва санитар тозалиқ ойлигини ўтказиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Туман ҳокимлари, шаҳар ҳужалиғига қарашли бошқармалар, концертлар, бўлимлар, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари зиммасига ойлик давомида меҳнат жамоалари ва аҳолини пойтахт ҳудудини ободонлаштириш ва санитар тозалиқ ишларига кенг жалб қилиш бўйича тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш вазифаси юқлатилди.

Туман ҳокимларига бир ҳафта мобайнида туман ҳудудида жойлашган корхоналар, ташкилот ва муассасаларга тегишли маҳкамга тегишли экинликдан қатъи назар — ободонлаштириш ва санитар тозалиқ таъминлаш учун чегараларни кўрсатилган аниқ бир ҳудудни бириктириш топширилди. Айни пайтда ободонлаштириш ва санитар тозалиқ ойлигини ўтказиш бўйича туман қароргоҳлари тузилиши, тегишли таъбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши зарур.

ҚАРОР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

29 июль кунин Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар топонимик комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар ҳиссадорлик раҳбарлари ҳам иштирок этидилар.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номиларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг ижроси муҳокама этилди.

Мажлисда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.И.Жалилов, Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик институти директорининг ўринбосари Э.Бегматов ва бошқалар топонимик объектлар номиларини тартибга солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси муҳокама этилди.

Ҳужуматларига топонимик комиссияларга ўз ишларини тўдан ўзгартириш, эскирган, маънавийтаъмирига эид бўлган топонимларни қайта номлаш ишларини яқинлаш юзасидан фароияларини қуйтиришга қаратилган аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўйилган «1996/97 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртиларига қабул қилиш тўғрисида»ги қарори республикамиз олий таълим ислохотларини давом эттиришда муҳим ҳужжат бўлди. Бу қарор олий таълим тизимини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, халқ ҳужалиғига фақат зарур бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг ўз ишига масъулиятини ошириш ва шунга кўра уларни моддий рағбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири олий ўқув юртилари бош бошқармасининг бошлиғи Патхулла Исметуллаев ушбу қарор юзасидан қуйдагилар мулохазаларини билдирди:

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бу йил Ўзбекистон олий ўқув юртиларига ўшларни ўқитиш учун 23 минг давлат грантлари белгиланган. Бу — ўтган йилга нисбатан 25 фоиз қўш, бошқача айтганда беш ярим мингдан кўп талаба қабул қилиниб, уларнинг ўқиб ҳаражатлари давлат томонидан тула қопланади дегандир. Маълумки, аввалги даврда эҳтиёж кам бўлган иштирокчилар бўйича ҳам ўқитиларди. Энди эса давр талабидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлаш асосий вазифалардан бўлиб қолди. Бундай соҳалар сирасига менежмент, маркетинг, банк иши, молия ва кредит, солиқлар ва солиқ соғлиш, сугурта иши, иқтисодиётда ахборот тизимлари, халқа-

ро иқтисодий муносабатлар, кон иши, нефть-газ иши, автомобиль соҳаси, ҳуқуқшунослик, педагогика, халқаро ҳуқуқ, чет тилларни каби йўналишлар кирди.

Бу йилдан бошлаб олий ўқув юртиларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ўқитишга пулли-шартнома асо-

АВПОД САЛОМАТЛИГИНИ УЙПАБ

Шаҳар Саломатлиги марказида Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигининг таъбири билан «Соғлом авлод учун» мавзусида йилнинг 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, профессор Бердимурад Саидқариевич сўзга чиқиб, бугунги кунда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишдаги муаммолар ҳақида гапирди. Институтнинг болалар касалликлар кафедраси мудири, профессор Марат Абдулҳужаев эса чакалоқларда учрайдиган касалликлар бевосита уларнинг онаси саломатлиги билан боғлиқ экани, шунга кўра биринчи навбатда она соғлом бўлиши ҳусусида сўзлади.

Бундан ташқари шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Малика Зияева, Мирзо Улуғбек тумани преркуратори ўринбосари Улоҳшода Турғубоева, Ўзбекистон Республикаси Акушерлик ва гинекология ассоциациясини вице-президенти Тоймас Тулгановлар ҳомиладор аёлларнинг ўзлари қарашли бўлган тиббиёт муассасалари билан алоқалари ҳусусида, оиладаги қўйди-қиндиларнинг бола саломатлиғига таъсири, ҳомиладорликнинг олдини олиш ҳақида гапирдилар.

Раиля МИРЗАГАРИЕВА

«ЕШЛИК»ДА ГУЗАР

Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги айёмини Собир Раҳмон туманидаги «Ешлик» талабалар шаҳарчаси ҳам ўзига фойдали кўриб қаршиламоқда. Бу ерда ёшлар шаҳарчаси гузарининг биринчи навбати ишга тушди.

Гузардаги кичик новойхона, шимнагина зиёбона ва чанқовбодди ичимликлар билан савдо қилувчи шийпончалар ҳозирданок ёшлар билан гаҳжум.

Бугунги кунда «Ешлик» талабалар шаҳарчасида 5 минг нафардан зиёд йил толиблари истикомат қилинган. Уларнинг қўчилиғи ҳозирданок ўз ишининг дурустлигини, мутахассислари ҳисобланадилар. Яқинда шаҳарчада бир нечта таъмирлаш устанолари, миллий беказлар ва халқ амалии санъати ёдгорликлари ҳамда кенг истеъмол молларини тайёрловчи кичик корхоналар очилиб кетмоқда. Уларда асосан шаҳарчада яшовчи талабалар ўқишдан бўш пайтларида меҳнат қиладилар. Шунингдек, янги новойхона яқинида тез орада кичик бозорча ҳам очилади.

Сергей СТРОГИЙ

«ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Махлиси VI сессиясига тайёрларлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг биринчи йиғилишида парламент муҳокамасига киритилиши режалаштирилган масалаларга доир ҳужжатларни тайёрлаш ҳақида гап борди.
- 15 августдан 30 сентябргача Тошкент шаҳрининг дехқон бозорлари ва энг гаҳжум жойларида қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари сотиш бўйича ярмаркалар ўтказилади.
- Хусусий таъдбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб қувватлаш республика фонди — «Бизнес-фонд»нинг Тоғар хом-ашё биржаси билан ҳамкорликда ташкил этган навбатдаги ярмаркасида 80 талдан кўпроқ фирма ва корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этидилар.
- Тошкентда 5 минг абонентли электрон рақамли 32-АТСни монтаж қилиш ижросига етди.

ҲАМДУСТЛИҚДА

- Москвада Тожикистоннинг янги сиёсий кучи — миллий уйғониш блоқи тузилганили эълон қилинди. Бу блокка Тожикистоннинг собиқ бош вазири Абдулмалик Абдуллахонов етакчилик қилмоқда. Унинг берган баёнотида кўра ушбу блок ҳокимиятни сиёсий йўл билан қўлга олиш ниётида.
- Эрон вице-президенти Ҳасан Ҳабибий уч кунлик расмий ташриф билан Бишкекка келди. У Қирғизистон раҳбарияти билан икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни қўқурлатириш истиқболлари юзасидан музокаралар ўтказди.
- Тбилиси аҳолиси 1994 йил январь ойидан сўнг яна табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган бўлди. Ҳукуматлараро музокараларда ижобий натижага эришилганили сабабли Грузия Туркменистондан газ узатиш кўйлатирилди. Грузиянинг етказиб берилган туркман газини ўчун қарзи 400 миллион АҚШ долларидан ортиб кетган.
- Одесса портига бир неча минг харбий денгизчи ва денгиз пилдачилари бўлган АҚШ харбий кемаси келди. Америка харбий денгизчилари Қора денгизда бошланган кўпмиллатли машқларда иштирок этидилар.

ХОРИЖДА

- Техаслик миллиардер Рос Перро яқинда ташкил этилган Ислохотлар партиясидан расмий равишда АҚШ президентлигига номзод бўлди. Шу пайтгача президент лавозимини ўчун курашни АҚШ маъмуриятининг ҳозирги раҳбари Билл Клинтон ва республикачилар партиясининг етакчиси Ролд Дуол олий бораётган эдилар.
- АҚШ давлат департаменти Ўзбекистон, Грузия, Қозғистон, Қирғизистон, Молдова ва Туркменистон билан қарор-яроғ савдо қилишдаги чеклашлар бекор қилинганлигини эълон қилди.
- Женевада ядро синовларини яъли тақиқлаш бўйича навбатдаги анжуман давом этипти.
- Вильнюсда Литва билан Россия ўртасида давлат чегаралари юзасидан музокараларнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди.
- Эрон Ироқ шимолдан бошлана толган курдаларга нисбатан кенг қўламли харбий операция ўтказди.
- Исроил Бош вазири Бенямин Нетаньяху Сурия икки давлат ўртасида узилиб қолган музокараларни Вашингтонда давом эттиришга розилик билдирганилини маълум қилди.
- Брундунда харбий тўнтариш уюштирилиб, Пьер Буйоиа қўнуний президент ўрнига муваққат давлат раҳбари этиб тайинлангандан сўнг бу мамлакатда қонли тўншушлар давом этипти. Кейинги кўнларда бунинг оқибатида 60 киши ҳалок бўлди.
- Қамор ороллари атрофида сузиб бораётган паром чўкиб кетиши оқибатида қамлада 72 киши ҳалок бўлди, деф ҳисобланмоқда.
- Фарбининг машҳур «Рейнолдс» табакхона индустрия-компанияси таъриба тарикасида тўтун чинарбайдиган сигарета ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Унинг соғлиққа зарари қамаймаган бўлсада, сигарет туғунини энди атрофдагиларни захарламайдиган бўлди. Янги сигареталарни Германияда синаб кўриш бошланди.

Қарор ва ижро

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

дориғача бўлган пул билан рағбатлантириш ҳуқуқи берилди. Бу эса уларнинг ўз малакаларини янада юксалтиришга интилишларига замин яратиши табиий.

Бундан ташқари эндиликда тасарруфиди олий ўқув юртилари бўлган вазириликлар, идоралар мутахассислар устиворлиги ва таққислигини ҳисобга олган ҳолда ўзларига ажратилган грантларни таққислаш им-

кониға эга бўлдилар. Янгилик сифатида ҳар бир олий ўқув юрти ҳузурида бизнес мактаби, иқтисодлаштирилган лицей ва имтиазиялар ташкил этишга қўйилган талабни айтиш мумкин. Бу эса умумтаълим дастури билан бир қаторда ўшларни маълум бир мутахассисликка йўналтириб бориш, шу йўл билан бўлажак кадрлар малакасини янада юксалтиришни кўзда тутди. Бунда ўқувчи ўшларнинг истеъодли қатламни танлаб олиш асосий эътиборда бўлади.

Яна шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, қарорга кўра бу йилдан бошлаб ўрта махсус ўқув юртиларига ўрта мактабларнинг 9-синфини тугатиб келган ўшлар беш балли баҳо асосида имтиҳон билан қабул қилинади. Ўрта мактабларнинг 11-синфини тугатиб келганлар эса тест синовлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими асосида қабул этилади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига ҳужжат топшириш жараёнида тўғилгандаги муаммолар юзасидан абитуриентлар қабул бўйича давлат комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Абдумажид АБДУРАҲИМОВ
эзиб олди.

Олимпиада кундалиги

левод молот улоқтирувчилар, Евгений Петин уч хатлаб сакровкалар, Юрий Аристов 110 метрга тўсиқлар оша югурувчилар, Сергей Кот ядро улоқтирувчилар, Анвар Қумурдов 100 метрга югурувчилар баҳсларида саралаш мусобақаларидан ўта олмадилар.

Штангачиими Александр Уринов (91 кг.) ўн унчин, Валентин Махушев (108 кг.) дан юқори ўн олтинчи ўринни олди.

Ўтган кун қурачилар ўз беллашуларини бошлаб бобдорлар, Маълумки, спортнинг бу туринда полвонларидан Арсен Фарзиев, Данил Жаҳрадинов ва Руслан Хинчаков тилғамга тушадилар. Улардан ва мусобақаларини энди бошланаётган ўшак шувчи юртдошларимиздан умидлики катта.

Доннёр ЭРКИНОВ.

«КАМОЛОТ» СОВРИНИ УЧУН

Ҳамза туманида корхоналараро футбол мусобақаларини ўтказиш ибратли янганга айланган. Тумандаги «Ависо» стадионида бошланган ана шундай турнирга қатнашни учун 12 та ташкилот, корхона ва фирмаларнинг жамоаларидан иштирокчилар тўғилди.

Турнирнинг бош хомияси ва ташкилоти бўлган туман иш-

ларининг «Камолот» жағғармаси томонидан ишлаб чиқилган янги йўли низомига кўра, мусобақалар қатнашни истагани билдирган «Ависо» стадионида бўлган бирга ушбу жағғарма ҳисобига 5 минг сўмдан пул ҳам ўтказиди. Бу маблағлар мусобақалар уюштириш ва голибарли тақдирлаш билан бирга туман ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам ишлатилади.

Кўйи бугун футбол жамоаларининг бундай беллашуларига эътиборлидир. Муҳлисларнинг фикрича, Тошкент авначи ишлар беш чиқариш бирласмаси, «Тошқушмоқ», туман ҳокимлиги ва «Камолот» жағғармасининг жамоалари голибликка жиддий давогарлардан ҳисобланадилар.

Бобур ХАЛИЛОВ.

Футбол

«КАМОЛОТ» СОВРИНИ УЧУН

Ҳамза туманида корхоналараро футбол мусобақаларини ўтказиш ибратли янганга айланган. Тумандаги «Ависо» стадионида бошланган ана шундай турнирга қатнашни учун 12 та ташкилот, корхона ва фирмаларнинг жамоаларидан иштирокчилар тўғилди.

Турнирнинг бош хомияси ва ташкилоти бўлган туман иш-



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Туманлар
йўқламаси:
Акмал Икромов

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, туманимиз шаҳар четиди жойлашган. Шунинг учун ҳам транспорт масаласи биз учун асосий масалалардан. Бу борада чет мамлакатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ишлари шаҳримизда илк бор бизнинг туманда кўзга ташланди десак ҳақ бўлмайдими. Хусусан Чехиянинг «Шкода» русумли трамвайлари дастлаб 2-трамвай депосига берилиб, улар туманимизнинг Бешқайрағоч, Истироҳат даҳаларини шаҳар маркази билан боғловчи 8-йўналишда юра бошлади.

ҲАЁТИМИЗДАГИ ЁРҚИН ИЗЛАР

Чўпон ота, Шухрат даҳалари аҳолиси узоғини яқин қилмоқда. Туманимиз аҳолиси асосан автобус хизматидан фойдаланади. Шунга қўра 18-автокорхона ҳам икки марта янги машиналар билан тўлдирилди. Яқинда автокорхона тасарруфига берилган 10 та «Мерседес» русумли автобуслар ҳозирда Белтепа, Ибн Сино, Бешқайрағоч даҳаларини Чилонзор ҳамда Жанубий вокзал билан боғламоқда. Бундай автобуслардан яна бир туркум олиш ниятимиз бор.

Халқимиз ўзининг меҳр-муруватли, оқибатли экани билан дунёга танилган. Бугунги кунда ҳам у ана шу аъёнларга содиқлик билан амал қилиб келмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг иқтимоий муҳофазасига муҳтож қатламга моддий ёрдам кўрсатиш учун туманда ҳар ойда 4505 оилага 16 миллион 380 минг сўмлик маблағ ажратилмоқда. Бу борада халқаро ташкилотлар ҳам четда қараб туришгани йўқ. Америка Қўшма Штатларининг «Марказий Осиёга бегараз ёрдам» жамғармаси томонидан туман аҳолисига 27 минг долларлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил «Меҳригиё» клуби ҳозирча республикамизда ягона. У эъза бағрига ногиронлар уйига бормаган, хонадонларда яшаётган болаларни олган. Бу ерда тажрибали шифокорлар, тарбиячилар улар саломатлигини тиклаш, машғулотлар ўқитиш билан шуғулланади. Қуни кеча халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамғармаси томонидан клубга 10 минг долларлик грант ажратилгани ҳақида хушхабар олдик.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамоат ишларида иқтимоий фаоллигини ошириш ишлари ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан мунтазам уюштириб туриладиган «Аёл олами тебратар» адабий-бадний кечаларида туманимиз хотин-қизлари таниқли аёллар, санъаткорлар, олимлар, шoirлар билан мулоқот ўтказиб туришади. Бундан ташқари туманимизда Бутунжаҳон қизлар уюшмаси миллий бўлими мавжуд бўлиб, ҳозирда унинг 300 дан ортиқ аъзоси бор. Бу ерда «Бер-Бер», «Келин салом», «Меҳмон қутуш», «Миллий таомлар тайёрлаш», «Оила-иш-سابқоқли» каби мазсуларда учрашувлар, тадбирлар ўтказиб турилади.

Туман ҳақида гапирганда маҳаллар фаолиятини асло четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро улар бошқа туманлардаги маҳалларга ўзларининг фаолликлари, замон талабларига ҳозиржавобликлари билан танилиб қолганлар. Сузимнинг исботи сифатида бундан 2-3 йил муқаддам «Пахтакор» маҳалласи фаолларининг юртбошимиз Ислом Каримовга бозорларимиз, савдо тармоқларидаги мавжуд шароитлар ҳақида мактуб ёзганини эслатиб ўтмоқчиман. Бундан ташқари шу йил Наврўз байрами арафасида туманимиздаги Қоринёғди маҳалласи фуқаролари биринчилардан бўлиб ҳашар уюштириш ташаббуси билан чиқишгани кўпчиликлари маълум. Шунингдек, «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан атроф-муҳит озодлигини юзасидан ўтказилган кўрик-танловда туманимиздаги Абдулла Қодирий маҳалласи республика миқёсида биринчи ўринни эгаллади. Бу ишларнинг ҳаммаси одамларимиз маҳалла Ватан ичра Ватан, урф-одатлар, қадриятлар ўчоғи эканини тобора ойдинроқ тушуниб боришаргани исботидир.

Тўйга тўёна билан деганларидек, мустақиллигимизнинг 5 йиллигига бир қанча тўхталаримиз бор. Жумладан Уриқзор даҳасида, 14, 21, 24, 26-мавзелада гузарлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг ҳар бири турли тадбирлар ўтказадиган жой, дам олиш, маънавий хизмат кўрсатиш, тиббий ёрдам бериш хоналарига эга бўлган маҳалла марказлари бўлади. Бундан ташқари Фарҳод ҳамда Лутфий қўчалари кешишган жойда бош пудратчи бўлган «Акмал Икромов Савдо-савдо уйининг супермаркети битказилди. Байрам кунлари икитта очик теннис корти ва сауналардан иборат соғломлаштириш мажмуини топширини ҳам мўлжаллаганимиз. Шунингдек ушбу санага бағишлаб янги АТС биносини ишга тушириш режалаштирилган.

Амалга оширилётган ишларнинг барчаси одамларимизнинг фаровон турмуш билан тазминлаш, улардаги ижодкорлик, янгиликка интилиш фазилатларини намоён этишга қаратилган.

Кичик корхоналар фаолиятдан

«БАҲОР»НИНГ НОВВОТЛАРИ

Бозор иқтисодиётининг талаби аҳолига зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш экани барчага маълум. Бу борада биздаги миллий урф-одатларни ҳисобга олиб иш тутиш кўзланган мақсадга етказди. **Ўзбек халқининг меҳмондўст, тўй-маъракалари бисёр, дастурхонини миллий ширинликлар билан доимо тўқилганини билган одам ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳато қилмайди.**

Шунга қўра икки йилдан буюн фаолият кўрсатиб келатган «Баҳор» кичик корхонаси Бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини толиб олди. У ўзбек миллий қандолатчилиги намуналари бўлган қолва, парварда, новвот, пашмаклар қатори конфетлар ҳам ишлаб чиқаришга мослашган.

— Аввалига бироз қийналдик, — дейди кичик корхонанинг иш бошқарувчиси Дилшод Маданинов. — Маҳсулот таннархини пасайтириш учун қандолат пишувчи ускуналаримизни электр қуввати қайнаткичидан газ қайнаткичига ўтказдик. Чунки газ электрга нисбатан арзонроқ. Корхонамиз ишлаб чиқариш майдонидан унумли фойдаланиш учун бўш қолган хоналарда тикувчилик цехини ташкил этдик. Бу ерда қўл-ва-уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарила бошланди. Энг муҳими, эн-атрофдаги маҳалла аҳолисини иш билан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўша олдик. Ҳозирда бизга муаммо бўлиб турган масала урв маҳсулотларидир. Ширинликларни чиройли қўзга-

ларда мижозларга етказиб бериш устида изланилмоқда. Келажакда мазкур кичик корхонадан қандолатчилик фабрикаси ташкил этиш ниятимиз бор.

Ушбу корхонанинг истиқболчилиги намуналари бўлган қолва, парварда, новвот, пашмаклар қатори конфетлар ҳам ишлаб чиқаришга мослашган. Шунга қўра, табиийки, уни катта миқдорда ишлаб чиқариш республикамизга валюта оқимини қўчайтириши мумкин. Қизиғи шундаки, новвот тайёрлаш технологияси дунёда фақат «Бизнинг халқимизга маълум. «Баҳор»нинг ишчилари ҳам аввалига бу ширинлиқни тайёрлашни ўрганиш учун Намангандаги «Дилором» фирмасида бир неча кун ўқиб қайтишди. Бундан ташқари корхона катта ер майдонига эга. Бу ерда мева-вади дарахтлар экилган бўлиб, бу нёъматлардан ҳам ширинликлар тайёрлаш режаланган.

Кичик корхонанинг маҳсулотлари ҳозирги пайтда хариддорлиги корхона жамоасининг ўз вақтида замон талаби даражасида тўғри йўналиш олганлигининг исботидир.

Шаҳримиз кўчаларида илк бор сариқ тусли ихчам таксилар пайдо бўлганда уларнинг олд ва орқа томонига «2» рақами битилган эди. Бугунги кунда ҳам 2-автокөмбинат жамоаси пойтахтликлар узоғини яқин қилишда асосан Туркиянинг «Доған» русумли машиналаридан фойдаланишмоқда.

Ҳиссасдорлик жамиятларида

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ — МАНФААТ ГАРОВИ

Шаҳримиз марказий кўчаларида биридан турган ана шундай таксига қўйилган, манзиллигини айтдик. «Мархамат, ўтиригилар», — деди 30 ёшлардан ошган жузон мулойимлик билан. Йўлда кетатгани ҳайдовчи билан танишиб олдик. У зўни Дилдора Хожимуродова дея таништириб, бу соҳада 6 йилдан буюн, 2-автокөмбинатда эса 3 йилдан буюн ишлаётганини айтиди. Бугунги кунда ушбу корхона хиссасдорлик жамиятига ўтганини ҳам яшириб ўтирмади.

Дарҳақиқат, бундан уч-тўрт

келтиришни биласизми? Энг муҳими, менда корхонага эгаллик ҳисси уйғонди. Ўзинг учун ишласанг чарчас нималигини билмас экансан.

Ушбу корхона шу йилнинг 1 январидан очик турдаги хиссасдорлик жамиятига ўтган. Акцияларнинг 26 фоизи давлат тасарруфидан, 23 фоизи эса ташкил инданд буюн, 2-автокөмбинат эса 3 йилдан буюн ишлаётганини айтиди. Бугунги кунда ушбу корхона хиссасдорлик жамиятига ўтганини ҳам яшириб ўтирмади.



сўм соф фойда олдик. Аммо ҳозирда маблағимизнинг бир қисмини корхонамиз ишчилари учун ўй қуриш жамғармасига қўймоқдамиз. Қолган қисми эса

хаттоқларга текин йўланмалар бериш имкониятига эришдик. Корхонанинг катта дарвозасига етиб келдик. Бу ердан бир кунда қанчадан-қанча машина аҳоли узоғини яқин қилиш учун йўлга чиқди. Уларни қўриқдан ўтказатган йигитлар ёнига яқинлашдик.

— Дарвозадан чиқиб кетаётган ҳар бир машина бизнинг қўлимиздан ўтади, — деди техник назорат бўлими устаси Саидмамтур Тоиров. — Сўнгги пайтларда машиналаримизнинг техник жиҳатдан соғлиқ даражаси тобора юксалаётганини сезиш мумкин. Ишчиларимизнинг ўз вазифаларига сидиқидилдан ёндашишлари натижада машиналарда бирорта техник нуқсон даярли учрамайпти. Буларнинг ҳаммаси хиссасдорлик жамияти мақоми олиганимиз меваси албатта.

Тан олиш кераки, ҳар қандай йўловчи ҳам ҳозирда таксиди юравермайди. Шундай бўлса-да, биз сўз юритаётган жамиятнинг кўраётган фойдаси ортадан ортиб бормоқда. Булар ишнинг тадбиркорлик билан, барча имкониятлардан фойдаланиб йўлга қўйиш натижасидир. Хусусан бугунги кунда эҳтиёт қисмлар тақиллигида барҳам бериш учун корхонанинг ўзида айрим деталларни, жумладан резина втулкаларни ишлаб чиқариш цехи ташкил этилган. Бундан ташқари Нижний Новгороддаги «ГАЗ», Туркия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган «Тошкўавто» корхоналари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалар иш самарасини тобора юксалтирмоқда. Бу ҳаракатларнинг барчаси пойтахтликларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган. Зеро таксиз хизматидан фойдаланувчилар қанча кўп бўлса, корхона шунча кўп моддий манфаат кўради.

СУРАТЛАРДА: ҳайдовчи Собир Фаизов техник назорат бўлими устаси Саидмамтур Тоиров ва Бахтиёр Отақуллар билан; гўдакчи таъмирловчи Маҳмадмурод Юсуфов иш пайтида; автокорхона машиналари.



йил олдин бирор жойга тез фирсаат бормоқчи бўлсангиз, таксиз топши осон бўлмасди, топилганда ҳам борадиган манзилнингизга қараб ҳайдовчи ё кўнар ёки кўнама, иложи борича камроқ йўл юришни кўзаларди. Чунки қандай ишлатишдан қатъи назар унинг маоши доимо бир миқдорда бўлганда кейин қийиб-пишиб меҳнат қилишнинг кимга кераги бор? Шуларни ўйлаб бизни олиб кетаётган ҳайдовчининг хушмуомалалиги сабабини тушундик ва 2-автокөмбинат фаолияти билан танишишга ошдик.

ўзгарди, — дейди жамият раиси уринбосари Тўлқин Дадабоев бизга корхона бўйлаб ҳамоҳлик қиларкан. — Корхонамизнинг даярли барча ишчи-хизматчиси акциядорларимиздир. Бугунги шароитда биз акциялар

одамларимизнинг меҳнат шариоити ва турмуш тарзини яхшилашга сарф этилмоқда. Хусусан шахримиздаги жарроҳлик, травматология ҳамда педиатрия марказлари билан тузган шартномамизга кўра корхонамиз

бўйича 100 фоиз дивиденд тўлашга қодиримиз. Шу йилнинг иккинчи кварталда 21 миллион

аъзолари бу муассасаларда бепул даволаниш имкониятига эгалар. Шу жумладан улар учун си-



ХОРИЖИЙ ҚУРИЛМА УРНАТИЛГАЧ

«Технология» сўзи бизнинг даврга келиб тез-тез қўлланилаётганига ажабланмас ҳам бўлади. Зеро, Япония, Германия каби давлатларни дунёга танитган ҳам юксак технологияли қурилмалар бўлган. Бундай қурилмалар кам ишчи кучи сарф этиб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариш омилдир.

Буни яхши тушунган «Тошкентсулт» хиссасдорлик жамияти жамоаси ўтган йили хайрли ишга қўл урган эди. Улар Швециянинг жаҳонга машҳур «Тетра-Пак» фирмаси билан

шартнома тузиб, корхонада стерилланган сўт ва шарбатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида анча ишларни қилишди.

Ҳозирги пайтда бу ерда фирманинг маҳсулот тайёрловчи

маҳсул мосламаси ўрнатилган бўлиб, у бир соатда 4 тонна сўт ёки мева шарбати бериш қувватига эга. Қизиғи шундаки, ушбу мослама компьютерлар орқали бошқарилади ва кунда бори-йўғи 10 та одам ишлайди.

Бундай ишлаб чиқариш қурилмаси бизнинг шароитда бениҳоя муҳим. Зеро, биздаги иссиқ клим, айниқса ёз пайтла-

ри сутнинг кам истеъмол қилинишини, унинг шарбатларга эҳтиёж кўпроқ бўлишини тақозо этади. Шунга қўра келажакда мазкур фирма билан қўшма корхона очиш мўлжалланмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Тошкентсулт» хиссасдорлик жамияти иш фаолиятидан намуналар. Рашид Галиев олган суратлар.



Дунёдаги ривожланган мамлакатларда «Технобог», «Технополиус», «ИндустПарк», «Бизнес инкубатор» деган ташкилотлар мавжуд ва улар юқори самарада фаолият кўрсатишапти. «Технобог» ўзи нима?

Биз ва жаҳон

САЛМОҚЛИ ОДИМЛАР

Бу — илмий-технологик марказ бўлиб, унинг тизимида илмий технологиянинг юқори даражада ривожланиш жараёни амалга оширилади. Яъни технологияни ривожлантириш устида иш олиб борилади. Бундай марказлар АҚШ, Австралия, Малайзия ва бошқа мамлакатларда бундан анча йиллар олдинок мавжуд эди, бугун ҳам улар ривожланиш сари боришмоқда.

Саноатда чўнандан кўпмақсадларда фойдаланамиз. Буни эритиш учун эса шу пайтгача Россиядан кокос олиб келинар эди. Бугунги кунда Тошкент Давлат техника университети қошидаги Беруний номли «Технобог»да технологик қурилма ёрдамида ўзимизда мавжуд табиий газ билан чўн эритиш йўлга қўйилди. Маргилондаги шохи атлас тўқиш корхонасида юқоридаги қурилмадан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш давлат хиссасдорлик жамиятида «Технобог» қошидаги «ИНН» фирмаси ихтирочилари томонидан тавсия этилган «Флюспасти» ёрдамида пайвандлаш ишлари кенг йўлга қўйилган. Беруний номли технологик боғ ҳозир икки-уч хонадан иборат. Шунга қарамай у халқаро миқёсга чиқиб олди. 1992 йилда пойтахтимизда ўтказилган илмий-технологик боғлар III халқаро конференцияси ҳам фикримиз далилидир.

Голландияда маркази бўлиши Халқаро профессионал инновацион менежерлар ассоциациясига «Технобог» директори Эркин Каримов ҳам аъзо. Ассоциацияга эса жаҳон бўйича бори-йўғи 7 киши аъзоллик қабул қилинган. Марказ чет эл олимлари билан боғлиқ, иш олиб боради. Шунингдек Шимолий Америкадаги Бутунжаҳон университетларининг илмий-технологик боғлари ассоциациясига Беруний боғи ҳам 1995 йилдан аъзо бўлиб кирди. Ўтган йили ёш олим Эркин Каримов Малайзияда бўлиб у ердаги худди шундай марказ фаолияти билан танишиб қайтди.

— Малайзия технобоғига 100 гектар майдон 90 йилга берилган ва шу марказ учун 80 миллион доллар миқдорда маблағ ажратилган. Бундай ютуққа улар 15 йил мобайнида эришдилар. Биз эса изланишни давом эттирялгимиз, — дейди у биз билан суҳбатда.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили август ойида қабул қилган қароридида жойларда инновацион марказлар, яъни бизнес инкубаторлар, технобоғлар ташкил этиш тўғрисида ҳам алоҳида айтиб ўтилган. Буни технологияни юқори даражага кўтаришдаги биринчи қадамлар дейиш мумкин.

Тошкент Давлат техника университети қошида технологик бизнес инкубатор ташкил этилганлиги, «ЭКОРЕС», «ИНН», «ЯРА-ТУВЧИ», «Агроинжиниринг», «Юсуф ЛТД» каби фирмалар ва махсус конструкторлик бюросининг фаолияти «Технобог»нинг амалий ишлари самарасидир.

Бугун бу марказ мутахассислари халқаро миқёсдаги конференцияларда иштирок этиб ўз ҳояларини чет давлатларга тақил этар эканлар, улар билан ҳамкорлик қилиш, кичик ва ўрта илмий-технологик корхоналар яратиш, «Технобог»ни тўла шарт-шароитга эга бўлган жойга айлантириш мақсадида иш олиб бормоқдалар.

Фарида ТОҶИБОЕВА.

Яхши аънавалар

МАРОҚЛИ ТАДБИР

Тошкентнинг гўзал гўшадаридан бири бўлган «Боғи эрам» оромгоҳида «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишланган «Мустақиллик халқимизнинг асрий эрсузи» мавзусида кеча ташкил этилди.

Унда «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Х. Бахтиёр, Беруний маҳалласининг оқсоқоли С. Саидқаримов, шаҳар «Қамолот» жамғармаси раиси ўринбосари Р. Абдуқодиров ва бошқалар иштирок — истиқболимиз, инсоний қадриятлар, урф-одатларнинг қайта тикланиши, истиқлол раванқида ёшларнинг роли каби мазсуларга тўхталиб, бугунги кунда

амалга оширилаётган ва амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

Кеча сўнггида сўз олган «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари М.Юнусовжаева ўтказилаётган бундай тадбирлар ижобий натижалар бераётганини таъкидлаб, оилада эркакнинг роли ва тутган ўрни мавзусида гапирди.

Кечага тақлим этилган маҳалла оқсоқоллари ибратли силларнинг келин-қайночалари, кўёв-қайноталари бир пиёла чой устида гурун қилишиб, дилрабо куй ва қўшиқларни тинглаб мамнун қайтидилар.

Абдулазиз РАЙИМОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, рекламалар, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъминларни, таваллуҳ қилларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтгловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида эриштиради.

Маҳаллар ҳам рисоладагидек. Сизнинг маҳсулоти қандайдиган бўлсин, бизга кўрсатингиз.

Рекламалар ва эълонлар ҳар кунини соат 8.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Шабба кунини соат 9.00 дан 12.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-08-74, 33-28-05.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ : Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-кават, 202, 202-«А», 206-хоналар.



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛИГИ ОЛДИДАН

Туманлар йўқламаси:

Акмал Икромов

Ватан ичра Ватан

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»НИНГ ГУЗАРИ



Маҳалла деганда кўз олдимизга биз ўсиб-ўлғайган макон, отамерос уй, шўх болалигимиз ўтган кўчалар, оқибатли кўни-кўшилар келади. Чунки ҳаётимиз тамомла маҳалла билан боғланган, ҳатто муаммоларимиз ҳам шу ернинг ўзида-гузарларда ҳал бўлади. Ҳозирда улар қайта қурилиб ёки таъмирланиб замонавий кўйга касб этмоқда. Шундай гузарлардан бири «Шарқ юлдузи» маҳалласида қад кўтармоқда.

асосий бинонинг ён-атрофидан чойхона, спорт машғулотлари хонаси, тиббий ёрдам кўрсатиш бурчаги, кутубхона, радиоузел жой олади. Шунингдек гузар лойиҳасидан омонат касса, жамоат тартибини сақлаш нуқтаси, шунингдек саратрошхона, чарчилик, косибчилик ишларидан иборат маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳам ўрин олган. Яна бир хона маҳалла хотин-қизлар кенгашига ажратилган бўлиб, бу ерда кўпни кўрган онахонлар балогатга етган қизларни турмушга тайёрлаш, жумладан пазандчилик сирлари, тикиш-бичиш, рўзгор юмушларига ўргатилади.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар талаба Илгиз Набиевнинг кўлини қисар экан, француз тилида «Барча имкониятнинг юртинг тараққийига бағишла» деб қўйди ва унга тантанали равишда Парижда ўқиш учун йўлнамани тўтқазди.

река каби давлатларнинг юртимиздаги элчихоналари яқиндан кўмак беришиди. Жумладан, видео, аудио-техник жиҳозлар билан таъминлаш, коммуникатив усул, яъни ўқитишнинг оғзаки усулини йўлга қўйишда франциялик мутахассисларнинг ёрдами катта бўлди. Мазкур даргоҳ университет мақоми олиши жараёнида катта воқеа унинг тарихи кенгайтириди. Республиканинг истиқлолга эришган туманининг Кўчка-Оқтепа даҳасида жойлашган Рус тили ва адабиёти институти ҳам университет таркибига кириб факультетга айланди. Авваллари бу институтда иккита мутахассислик — рус мактабларида рус тили ўқитувчиси ва миллий мактабларида рус тили ўқитувчиси бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, эндиликда улар бирлашиб битта соҳа бўйича — рус тили ўқитувчиси тайёрланадиган бўлди.

Олий таълим ислоҳоти УНИВЕРСИТЕТ МАҚОМИНИ ОЛГАЧ

ни ошириш имкониятига эга бўлди. Бу — университетнинг юртимиздаги элчихоналар, дипломатик корпуслар, маданият марказлари билан узвий алоқанинг йўлга қўйилгани натижасидир.

Бугунги кунда бу даргоҳ ҳар томонлама ўзгача кўйга касб этган. Авваллари бу ерда бешта тил ўқитилган бўлса, ҳозирда улар 16 тага етган. Янги тиллар сирасига турк, япон, голланд, корей, малайзия ва бошқа тиллар қўрилди. Бундан ташқари иккинчи мутахассислик сифатида талабаларга араб, форс тилларини ўқитиш ҳам йўлга қўйилган. Истиқболда университетда италян тили кафедрасини очиб ҳам мўлжалланмоқда.

«Ором» номи 394-болалар боғчасини бугунги кунда нафақат шахримизда, балки республикамизда ҳам билмиладиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Ушбу маскан тарбияланувчиларидан тузилган ҳаворислик гуруҳининг юртимиз мустақиллиги тантанали ўтади-ган бош майдондаги чиқишлари, ҳамдустлик Давлатларида бўлиб ўтган ёш санъаткорлар мусобақаларида қатнашуви уни барчага танитди.

«ОРОМ»ДА УЛҒАЙИШАЁТИР

«Ором»да таълим-тарбия турри йўлга қўйилганини шундан ҳам билиш мумкинки, бу ерда боланинг барча имкониятларини очиб, бу имкониятларни тарбиялаш, ривожлантириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Қанчалар оддий макан болалар боғчаси бўлган-бу мақсаднинг мудираси Гулноза



ра Кўчқорова ташаббуси билан республикамизда энг нуфузли тарбия маскани дея тан олинди. Бу ерда тарбияланган болалар ўқиш ва ёзишни ўрганиш олиғиб ўқитилмайдиган синфларига қатнашади. Ҳозирги кунда мактаблардан инглиз тили фани 4-синфдан бошланса бундай машғулот «Ором»нинг тайёрлов гуруҳида бошланади. Боғчада тарбия олганлар мактаб-ташкил этгани, буюк келажак эгаларини тарбиялашга бор кучи ва маҳоратини бағишлагани учун боғча мудираси Гулноза Кўчқорова «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган.

Сўнги йилларда соғлиқни сақлаш борасида туманда кўзга кўринарли ишлар қилинди. Хусусан 30-поликлиникнинг очилиши, 3-стоматологик поликлиника жамоасининг янги бинога кўчиши, касалхоналарда махсус бўлимлар ташкил этилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда асосий омил бўлди. Шундай бўлса-да, тумани хал этиш учун шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан бу учқала тиббий муассаса бирлаштирилиб, 560 ўринли ягона «Она ва бола» шаҳар маркази ташкил этилди.

Марказнинг асосий вазифаси оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, туғилажак фарзанднинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб дунёга келишини таъминлашдир. Хизмат кўрсатиш тартибига кўра ҳомиладор аёл кўзи ёришдан аввал аёл-ни хал этиш учун шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан бу учқала тиббий муассаса бирлаштирилиб, 560 ўринли ягона «Она ва бола» шаҳар маркази ташкил этилди.

Эл соғлиги — юрт бойлиги ОНА ВА БОЛА РАДҚДА

Аваллари бу икки даҳага 7-кўптармоқли касалхона, 13-туғруқхона ҳамда Айлар маслаҳатхонаси тиббий хизмат кўрсатар, аммо гачи улар бир жойда жойлашган бўлса-да, ўзаро алоқалар сустлиги, шундан келиб чиқадиган тушунмовчиликлар иш жараёнида бир қанча тўсиқларни пайдо қиларди. Ана шу муаммолар-

лар маслаҳатхонасига мурожаат қилади. Агар унда экстрагенитал, яъни ҳомилага алоқаси бўлмаган бирор хасталик мавжуд бўлса, даволаш бўлимига ётқизилади. Бу ерда даволаниб чиққач, туғруқхонанинг 2-бўлимида туғишга тайёрланади, сўнгра туғруқхонага ўтказилади. Бордию шундан сўнг ҳам ўзи ёки фарзандининг саломатлигида нуқсонлар бўлса яна касалхонага ётиб даволаниши мумкин. Бир сўз билан айтганда, ҳомиладор аёлнинг соғлом фарзанд кўриши учун барча тиббий-профилактик жараёнлар шифокорлар назоратида комплекс та-

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛОБАР ҚИЗЛАР!

АГАР СИЗ ТИКУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭЪЛАЛМОҚЧИ БЎЛ-САНГИЗ, ХОТИН-ҚИЗЛАР МОДАЛИ КИЙИМЛАРИНИ БИЧИШ ВА ТИКИШ, КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ, МОДЕЛЛАШТИРИШ, МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ СИРЛАРИНИ ЭЪЛАЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг РЕСПУБЛИКА УҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА ҚИРИНГ! ЎҚИШГА 9 ВА 11-СИНФНИ ТУГАТГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синфни битирганлар 2 йил ўқийдилар. Улар ҳар ойда 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия олади-лар.

11-синфни битирганлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда уларга 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия берилади.

Ўқув ишлаб чиқариш марказини битирганлар эъгалланган касби бўйича малака разряди ва диплом оладилар.

Улар ширкатлар, ишара, ҳўжалик ҳисобидидаги қўшма ва давлат корхоналарида ишлаш имкониятларига эга бўладилар.

Биздаги пулик 7 ойлик курслар қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: конструктор-модельерлар, хотин-қизлар модали кийимларини тикувчи уста, машинада кашта тикиш асосларида тикувчи-модельер, ишбилармон.

ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ ИШИ БОЙ БЕРМАНГ! Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўқув ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига ариза, тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 6 донга фотосурат (3x4 см), танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086/У).

Ўқиш 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, М. Мирзиёлов кўчаси, 68-уй (38, 58, 67, 3-автобуслар, 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

ХЎРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Сиз фарзандларингизнинг келажакдаги ўқиш ва касб-ҳунар эъгаллаш масаласини хал қилдингизми?

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКА ЛИЦЕЙИ

9—11 синфларни битирганларни қуйидаги касблар бўйича ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

9—11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭЪГА БЎЛГАНЛАР УЧУН:

уш аппаратларини йиғувчи чилангар, (ўқиш мuddати 3 йил);

фрезерчи, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (лицей гуруҳининг 1 поғонаси, ўқиш мuddати 2 йил);

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикани таъмирлаш бўйича чилангар, электромонтёр (ўқиш мuddати 3 йил);

механика йиғув ишлари бўйича чилангар, авточилангар (ўқиш мuddати 2 йил);

кенг тармоқли дастгоҳчи (ўқиш мuddати 3 йил);

сантехника чилангари, газ пайвандчи (ўқиш мuddати 3 йил);

кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси (ўқиш мuddати 2 йил);

ЭХМ оператори (инглиз тилини ўрганиш билан ўқиш мuddати 3 йил);

11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭЪГА БЎЛГАНЛАР УЧУН:

йиғувчи-парчинловчи токар-фрезерчи (ўқиш мuddати 6 ой);

рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар созловчиси (ўқиш мuddати 1 йил);

рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (ўқиш мuddати 1 йил);

бухгалтер (ЭХМларида ишлашни ўргатиш билан ўқиш мuddати 1 йил);

Армия сафида хизматни тугатиб, бошқа шаҳардан келган ёшлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ойига 734 сўмдан 916 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА ҚИРАДИ. ҲУЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШГА ШОШИЛИНГ!

Мурожаат учун телефонлар: 96-58-20, 96-39-72. БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: Паркент кўчаси 331-уй (6, 29-трамвайлар, 30, 110, 119, 161-автобусларнинг «С. И. Кадишев» номи авиатехника лицейи) бекати.

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ

сув ўтказгич ва канализация тармоқларидаги қудуқ ва камераларда ҳаёт учун хавфли бўлган газ борлиги сабабли БЕГОНА КИШИЛАРНИНГ ҚУДУҚ ВА КАМЕРАЛАРГА ТУШИШНИ

ҚАТЪИЯН МАН ҚИЛАДИ «СУВСОЗ» трести.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаб ва умумий таълимнинг 2-теропия кафедрасининг мудири У. К. Қайюмова онаси

Ҳабиба ОТАБЕКОВАННИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-08-74.

Душанба, торшанба ва ҳуна кўчалари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.